
Зиёда Исоқова IV ёзги Пара Осиё ўйинларининг кумуш медали соҳибасига айланди

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида IV Пара Осиё ўйинлари старт олди. 23 октябрь куни ўз иштирокини бошлаган иродали параатлетларимиз бирин-кетин медалларни қўлга киритишмоқда.

Қувонарлиси ушбу нуфузли мусобақада иштирок этаётган Ўзбекистон туманилик Зиёда Исоқова пара таэквондо бўйича кумуш медалга сазовор бўлди.

Матонатли спортчимиз бугун бўлиб ўтган финал жангида -48 кг вазн тоифасида ушбу ютуқни қўлга киритди.

Зиёда Исоқовага навбатдаги нуфузли спорт тадбирларида ҳам энг юқори шохсупаларни эгаллашни тилаймиз.

2023-10-23 16:54:33